O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 20-sentabr • Seshanba • 119 (27.454) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди узра парвоз этиб, Ҳиндистонга қайтар эканман, Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Ўзбекистоннинг дўст халқига фаровонлик ва гуллаб-яшнашини тилаб билдирган самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Манмохан СИНГХ,
Ҳиндистон Бош вазири

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

МАҚСАД — ҚОНУНЛАР МУКАММАЛЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган айрим қонунлар рад этилди. Шу муносабат билан баъзилар «Сенат қонунларни рад этибди, энди нима бўлади?» деб ўйламоқдалар.

Масалага юзаки ёндашганда хавотирга ўрин борга ўхшайди. Чунки, парламентнинг Қонунчилик палатасида узоқ тортишувлар билан қабул қилинган қонунлар Сенат томонидан рад этилди, вақоланки, ушбу қонунларни халқ кутмоқда.

Лекин масалага чуқурроқ қаралса, унинг моҳиятига етилса, мураккаб қонун яратувчилик жараёни нормал кечаётганини кўрасиз.

Биз республикамизнинг олдинги чақириқ парламенти сессияларида қонунларнинг тезкорлик билан, силлиққина қабул қилинишига ўрганиб қолганмиз. Бу депутатларнинг айби эмас, балки парламент бир палатали бўлиб доимий равишда иш олиб борилмаганлигида эди. Асосий иш жойлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида бўлган депутатлар бир-икки кунгина давом этувчи сессиялар ишида қатнашар эдилар.

Доимий ишлаб турган қўмита аъзолари асосан қонун лойиҳалари устида ишлаганлар. Депутатлар эса қонун лойиҳалари билан сессиялар оралиғидагина танишишган, уларни мукаммал ўрганиш ва ҳар томонлама кўриб чиқиш учун тўла имконият йўқ эди ҳисоб. Депутатларнинг асосий вазифаси сессия ишида қатнашиб, кўпчилик ҳолларда қонун лойиҳаларини тасдиқлаб беришдан иборат эди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилган парламент ислоҳотидан кутилган асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш, адолатли демократик жамиятни бунёд этиш жараёнларининг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, қонунларнинг мукаммал бўлиши халқимиз манфаатлари ва халқаро андазаларга тўла жавоб беришини таъминлашдир. Юртбошимиз «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш...» деган эди. Парламент даражасида бунинг бош йўли қонун яратувчилик ишларини такомиллаштиришдир.

2-бет

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники

«ХИВА КАРПЕТ» ГИЛАМЛАРИ

УЛАР БУГУН НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРДА, ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС МАВҚЕГА, ЎРИНГА ЭГА

Тарихи неча-неча асрларга бориб тақаладиган Хива азал-азалдан ҳунармандлари, қўли гул тўқувчилари билан машҳур бўлиб келган. Айниқса, Хива гиламларининг довруғи оламга кетган. Айни пайтда ҳам бу ерда тўқилаётган ранг-баранг гиламларнинг тенги йўқ, десак янглишмаймиз.

«Хива Карпет» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида бугун асосан гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. 2003 йилда ишга тушган ушбу замонавий корхона йилига 2 миллион 300 минг квадрат-метр маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга. Шу кунларда бу ерда 800 нафарга яқин хивалик йигит-қизлар меҳнат қилишаяпти. Уларнинг унумли ишлашлари, бўш пайтларини кўнгилли ўтказишлари, бежирим, сифатли, бирибиридан нафис ва ажойиб гиламлар ишлаб чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Мураккаб компьютерли технологиялар орқали хориж дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётган маҳаллий ёшлар орасида ўз касбининг усталари, фидойи қадрлар етишиб чиқаётир. Натижада минг хилдан зиёд дизайнли лойиҳа асосида тайёрланаётган гилам ва гилам маҳсулотларининг бозори тобора чаққон бўлаётир. Чет эллик харидорлар, мутахассислар ва менеджерларнинг эътирофича, улар жаҳон андазалари бўйича хорижникидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Суратларда: *(чапдан) Замира Отажонова, Нодира Жуманиёзова ва Ирода Султоновалар тайёр гиламларни намойиш этмоқда; моҳир йигирувчи Фазилат Маткаримова.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎзХДП ҳаёти

«БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ МАНБАИ ВА ИЛҲОМЧИСИ МУСТАҚИЛЛИКДИР»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман кенгашлари ташаббуси билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тадбири «Барча ютуқларимизнинг манбаи ва илҳомчиси Мустақилликдир» деб номланди. Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган мазкур тадбирга кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари, ўқитувчилар, боғча тарбиячилари ҳамда шаҳар жамоатчилиги таклиф этилди.

Байрам тадбирида иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов Халқ демократик партиясининг сиёсий йўли, олдига қўйган асосий мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб, партия ўзининг аниқ дастурий режаларини белгилаб олгани, халқнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ифодалаш ЎзХДПнинг устувор мақсади эканлиги ҳақида тўхталди.

Ҳайдар БОБОХОНОВ,
ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси:

— Туманимизда 48 та маҳалла бор. Бу маҳаллалар оқсоқолларининг ярмидан кўпи партиямиз аъзоси бўлиб, бошланғич партия ташкилотининг раиси ҳисобланади. Маълумки, партиямиз ўзининг V қурултойида кам таъминланган оилалар, қариялар, ўқитувчилар, шифокорлар, ишсиз ёшлар, умуман ижтимоий муҳофаза муҳтож аҳоли қатламларини ҳимоялашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бугунги тадбиримиз ҳам мана шу йўналишдаги қадамлардан бўлиб, ниятимиз — байрам муносабати билан кам таъминланган оилаларни йўқлаш, уларни рағбатлантиришдан иборат.

Маҳмуд РАШИДОВ, Сарҳумдон маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Халқимизда яхши гап бор: «Тўй тўйга, байрам байрамга улансин», дейди. Худога шукр, Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами муносабати билан кетма-кет ҳар хил тадбирлар бўлаяптики, бу ҳам элимизнинг қувончли кунлари кўплигидан далолат беради. Қолаверса, ҳозирги шароитда ўтаётган ҳар бир кунимиз мустақилликнинг қанчалик улуғ неъмат эканлигини, тинч кунларимизни ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмаслигини англатаяпти...

Байрам тадбирида таълим-тарбия ва маҳаллаларда партия фаолиятини кучайтиришда ўрнак бўлаётган бир гуруҳ фуқаролар, шунингдек, кам таъминланган оилалар вакилларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Шундан сўнг йиғилганлар учун Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган «Андишали келинчак» спектакли намойиш этилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *тадбирдан лавҳа.*

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ САММИТ

Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича III Миллий саммит очилди. У «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги — UzInfoCom-2005» доирасида ўтказилмоқда. Саммит давлат органлари, хусусий бизнес, халқаро ҳамжамият ва жамоат тузилмалари вакилларининг Ўзбекистон Республикасида АКТни янада ривожлантириш ва ахборот ҳамжамиятини шакллантириш масалалари бўйича ошкора муҳокама ўтказиш имконини беради.

Саммитни Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмаклашиш» лойиҳаси ва ITE Uzbekistan компанияси ташкил этди.

Саммитда иштирок этиш учун давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва чет эл IT-компаниялари вакиллари, турли тармоқлар мутахассислари таклиф этилган. Мамлакатнинг умумий ривожланиши мақсадлари учун АКТни қўллаш ҳамда ахборот технологияларини жорий этишдан амалий фойда олиш масалалари мазкур анжуманда асосий мавзу бўлади. Бу саммит аввалги икки анжумандан шу жиҳати билан фарқланади. Уларда ривожланиш инфратузилмаси муҳокама қилинган ва республиканинг АКТ тайёргарлик даражасига баҳо берилган эди. Энди эса улар жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида баҳоланмоқда.

III Миллий саммит 2005 йил ноябрида Тунисда ўтказиладиган Ахборот ҳамжамияти масалалари бўйича бутунжаҳон учрашувида қатнашишга тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу боис саммитда Ўзбекистоннинг Тунисдаги учрашувга тайёргарлик даражаси ва халқаро кўламда ҳамда мамлакат ичида ахборот ҳамжамиятини шакллантиришга республикамизнинг қўшаётган улуши муҳокама этилади. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантириш бўйича саммит резолюциясини қабул қилиш режалаштирилган. Саммит билан бир пайтда ахборот-коммуникация технологиялари халқаро кўргазмаси — InfoComExpo-2005 ўтказилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИДА ИЛК ФЕСТИВАЛЬ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бунёд этилган муҳташам Ўзбек либослари галереясида илк бор Республика миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларидан дизайнерлар ўзларининг энг яхши моделлари билан иштирок этишди.

Ушбу Ўзбек либослари галереяси ўзида миллий ва замонавий хусусиятларни мужассам этган мато ва либос намуналари, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси, шу билан бирга турли танлов ва мода фестивалларини ўтказиш учун мўлжалланган. Унда уюштирилган биринчи фестиваль дизайнер, бичувчи, тикувчи, рассом, ҳунармандлар ва миллий қадриятларимизни тиклашга ҳисса қўшиб келаётган кўплаб ҳунар соҳибларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилди.

Саралаш тури якунида фестивалнинг танлов қисмида қатнашиш учун 17 нафар, кўргазмали чиқишларда қатнашиш учун 8 нафар иштирокчи танлаб олинди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, **«Анъана қадр-қиммати»** номинацияси бўйича сурхондарёлик **Малик Мирсодиқов** биринчи ўринга лойиқ деб топилди. **«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»** номинацияси бўйича **Элдор Миркурбанов**, **«Авангард»** номинацияси бўйича самарқандлик **Валентина Романенко**, **«Миллий матодан энг яхши либос»** номинацияси бўйича эса андижонлик **Наргиза Тошмаматовалар** ғолиб бўлишди.

Айтиш жоизки, фестивалда нафақат танлов қатнашчиларининг ижод намуналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг машҳур дизайнерлари муаллифлигида тайёрланган миллий либослар коллекциялари ҳамда кўрикдан ташқари ишлар ҳам намойиш этилди. Фестиваль сўнггида унинг ташкилотчилари — «Osiyo Ramzi» Республика моделлар уюшмаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат-нотижорат ташкилоти, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фестивални анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎХШАШИ ЙЎҚ МАСКАН

Қадимий Бухорода академик лицейлар сони яна биттага кўпайди. Бундай кошонанинг шаҳарда ўхшаши йўқ, дейишмоқда мутахассислар

Куни кеча шаҳарнинг 6-мавзесида замонавий меъморчилик услубида қурилган академик лицей биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиммати 1,6 миллиард сўм бўлган бу даргоҳни «Мададкор» фирмаси бунёдкорлари қуриб битказишди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ўқув маскани вилоятда ягона компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейидир. Бу ерда ўқувчиларга аниқ, табиий ва гуманитар фанлар ҳамда хорижий филология йўналишларида чуқур билим берилади. Талабалар компьютер ва ахборот технологиялари асосларини мукаммал ўрганиб, мустақил дастурлар ишлаб чиқиш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Айни пайтда академик лицейда 200 нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Диққат, янгилик!

АВТОМОБИЛЛАРГА СИФАТЛИ ЁНИЛҒИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БОШЛАНДИ

Охирги йилларда мамлакатимизда автомобиль саноати ривожланиб, автомобилларнинг сифат даражаси кескин кўтарилди. Эски моделдаги «ГАЗ», «Москвич», «Жигули» каби автомобиллар ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган қувватли, тез юрар, кўркам «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Ласетти» каби автомобиллар эгалламоқда. Шунинг билан бирга автомобилларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари сифатига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

— Истеъмолчиларнинг ана шу талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари жамоалари янги турдаги замонавий нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришдилар, — деб хабар беради **«Ўзбекнефтгаз» МХК «Ўзнефтмаҳсулот» АК Нефтни қайта ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳошимжон ШЕРАЛИЕВ.** — Жумладан, 2003 йилдан бошлаб, одамлар учун зарарли, таркибида қўрғошин бирикмаси бўлган этилли (этилланган) «А-72» автомобиль бензини ишлаб чиқарилмайдиган бўлди. Унинг ўрнига «А-76», «АИ-91», «АИ-93» каби юқори сифатли этиллсиз (этилланмаган) ёнилғилар ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилди. Ҳозироқ нефтни қайта ишлаш заводларида «АИ-80» ва «АИ-95» русумли автобензинлар ишлаб чиқариш саъй-ҳаракатлари бошланди. Бунинг учун зарур технология ва норматив ҳужжатлар тайёрланди. Янги русумли ёнилғиларнинг намуналари нуфузли ташкилотларда мотор синовларидан муваффақиятли ўтди. Уларга «Ўзстандарт» агентлигининг мувофиқлик сертификатлари берилди.

«АИ-80» русумли автомобиль бензинининг «А-76» ёнилғисидан афзаллиги — айниқса, шаҳар ичида ҳаракатланаётган автомобиль двигателларида сезилади. Чунки, шаҳар йўлларида ҳаракатланаётган автомобиллар шаҳарлараро йўллардагига нисбатан кўпроқ тўхтаб, кўпроқ тезланади. Ёнилғининг детонация турғунлиги (ёниши) кўрсаткичига бўлган талаби, хусусан, ана шу тезланган пайтда ошади. Мазкур автобензин ўрта кучайтирилган двигателларда қўлланилиши — уларнинг хизмат муддатини ошириш ва ёнилғининг детонацияли ёниш миқдорини камайтириш имконини беради...

Дарвоқе, атроф-муҳитни заҳарли моддалардан ҳимоя қилиш мақсадида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи этилли автомобиль бензинларини ишлаб чиқариш миқдорларини йил сайин камайтириб, 2008 йилдан эътиборан, фақат этилсиз автомобиль бензинлари ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишларини босқичма-босқич амалга ошириш ишларига киришди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган бензинлардаги бензол моддаси — учувчан углеводород бўлиб, унинг октан сонини оширади. Айни пайтда бензол канцероген моддалар рўйхатига киради, яъни инсон соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади. Зеро, автомобиль бензинини кўп ишлатувчи мамлакатларда ундаги бензол миқдорининг чеклашига бўлган талаб охирги йилларда ўсиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар инобатга олинган ҳолда янги русумдаги «АИ-80» ва «АИ-95» автомобиль бензинлари таркибидаги канцероген модда — бензол миқдорига чегара қўйилди ва унинг 5 фоиздан кўп бўлмаслиги белгиланди...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Жиноят ва жазо

Маълумки, шу йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилиб, бегуноҳ одамлар қурбон бўлган, фуқаролар ва давлат мулкига катта зиён етказилган эди. Бу ёвузликларнинг фаол иштирокчиларидан ҳисобланган 15 нафар жангари устидан олиб борилган тергов ниҳоясига етиб, жиноят иши кўриб чиқиш учун бир неча кун илгари Ўзбекистон Республикаси Олий судига топширилганди. Бугун суд жараёни бошланиши кутилмоқда.

СЎНГГИ СЎЗНИ СУД АЙТАДИ

Халқимиз бошига оғир мусибатларни солган, қалбини яралаган Андижон воқеалари ҳақидаги шов-шувлар, рост ва ёлғон, ҳақиқат ва бўҳтонлар вақти-соати билан жой-жойига тушади, албатта, одил суд ўз ҳукмини чиқаради. Бироқ элдан бурун юзакичилик, масъулиятсизлик билан, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиб, хулоса чиқариб бўлмайди. Фақат далилларга, ҳақиқатга, қонунга таяниб иш кўрилсагина адолат қарор топади.

Афсуски, Андижонда содир этилган машъум воқеалар бўйича тергов тугамай, суд бўлмай туриб, Ғарбдаги айрим давлатлар арбоблари, баъзи халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан воқеага ҳуқуқий баҳо беришлар, ҳукм чиқаришлар давом этмоқда. Ҳатто нима воқеа бўлгани, бу фалокат қаердан келганини андижонликларнинг ўзи ҳали англаб етмаган тўстополон бир пайтда АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатлар матбуоти, махсус хизматлари, ҳатто БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари шошилинч равишда ўз хулосасини, ҳукмини чиқариб бўлди. Улар фикрича, гўё турмушдан норози аҳоли «тинч намойишга чиққан, ҳукумат кучлари эса уларни ўққа тутган». Демак, «тинч намойишчи»ларга қочқин мақомини бериш, уларни Қирғизистондан учинчи бир мамлакатга олиб ўтиш керак... БМТдек нуфузли ташкилот на халқаро қонунларга, на Ўзбекистон давлати қонунларига риоя қилди. Бу ташкилотнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари Европадаги кучли давлатлар ноғорасига ўйнаб, жиноятчиларни, террорчиларни сиёсий қочоққа айлантирди.

Шу ўринда қатор оддий, табиий саволлар туғилади. Уларга жавоб бериш учун одам вали ёки Афлотундек доно бўлиши шарт эмас. Озгина ақли бор одам ҳам бу саволларга жавоб бераолиши мумкин. Масалан, «Тинч намойишчиларни ҳукумат ҳарбийлари ўққа тутди» деган гапга халқимиз менталитетини, қалбини билган, Ўзбекистонни таниган бирорта одам ишонмайди. Ўзбек ҳеч қачон бировга ёмонлик тиламаган, Ўзбекистон аллақандай унутилган орол ёки жунглида қолган мамлакат ҳам эмас. Бой тарихга эга, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, бугун ҳуқуқий-демократик йўлни қатъий танлаган ва шу йўлдан изчил, босқичма-босқич бораётган мамлакат.

Иккинчидан — Ғарб мамлакатлари «қочқин» деб атаётганлар ҳақиқатан айбсиз, бегуноҳ бўлса, унда нега ўз уйини, юртини ташлаб қочади? Айрим Ғарб мамлакатлари халқлари учун қитъадан қитъага, бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб ўтиб яшаш оддий ҳол бўлгани боис уларда юрт, киндик қони тўкилган жой, ота-боболарим қабрлари ётган тупроқ деган туйғулар унчалик мустаҳкам бўлмаслиги мумкин. Лекин ўзбек азал-азалдан ўз юртида яшаб келади. Унинг туғилиб ўсган ерига меҳри шунчаликки, ҳатто бир маҳалладан иккинчисига кўчиб ўтиши ҳам оғир кечади. Ўз ҳовлижойини Ватан ҳисоблайди, азиз билади, орзу-ҳавас билан уй қуради, кўчат экади, шу жой мендан болаларимга қолади деб, уни обод қилишга умрини беради. Шундай экан, нега олди-кетига қарамай четга қочди, айби бўлмаса нимадан қўрқади?

Яна бир оддий савол: агар улар «тинч намойишчи» бўлса, унда ҳарбий қисмга ким ҳужум қилди, ўз хизмат вазифасини ўтаб турган аскарларни ким отиб ташлади? Ашаддий жиноятчилар жазосини ўтаётган қамоқхонага ким бостириб кирди, қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик каби оғир жиноятлари учун суд ҳукми билан қамоқда ётганларни ким чиқариб юборди? Маданият ва маърифат ўчоғи бўлган театрни, кинотеатрни ким ёқиб юборди? Вилоят ҳокимлиги биносини ким босиб олиб, вайронага айлантирди? Гаровга олинган одамларни, милиция ходимларини, шаҳар прокурорини ким қийнаб ўлдирди?.. Агар бу жиноятларга «тинч намойишчилар» деб аталаётган тўданинг алоқаси бўлмаса, унда жиноятчи ким? Ким бу хунрезликларни, ваҳшийликларни содир этди?

Узоққа бормай, ортиқча далил ахтармай террорчилик ҳаракатлари пайтида жангариларнинг ўзлари видеотасвирга туширган ҳолатларга эътибор берайлик. Қўлида автомат, пулемёт кўтариб юрганлар, портловчи воситаларни тайёрлаётганлар, ҳокимлик биноси тепасидаги снайперлар, милиция ходими, шаҳар прокурорини судраб кетаётган, кўзи қонга тўла қутурган оломон... Улар орасида аёллар, болалар кўзга ташланади. Экстремистлар ўз оила аъзоларини ҳам даъват, буйруқ билан кўчага олиб чиққан эди...

Ўзбекистон Бош прокуратураси миллий қонунчилигимиз ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, ўз вақтида Қирғизистон Республикаси Бош прокурорига расмий мурожаат қилиб, муваққат лагерда турган 234 нафар Ўзбекистон фуқаросини ушлаш ва қонуний жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистонга қайтарилишини сўраганди. Шунингдек, террорчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этиб, қочган Ўш вилояти Ички ишлар бошқармаси вақтинчалик сақлаш изоляторида турган 29 нафар гумондорни ҳам Ўзбекистонга қайтариш сўралганди. Қирғизистон Бош прокуратураси талабига кўра, қўшимча далиллар берилди, бундан ташқари Қирғизистон Бош прокурори ўринбосари Андижонга келиб, жиноят иши материаллари билан шахсан танишди, далиллар асосли эканига ишонч ҳосил қилди.

Бу орада террорчилик ҳаракатларига қўшилганларнинг айримлари ўз хоҳишлари билан Ўзбекистонга қайтиб келди. Қирғизистонга ўтган бошқа жангариларни Ўзбекистонга қайтариш, ҳамкорликда тезкор тергов гуруҳини тузиш тўғрисида келишиб олинганди. Аммо, айрим Ғарб давлатлари, шунингдек, БМТнинг Қочқинлар масаласи бўйича олий комиссари бошқармаси тазйиқи остида Қирғизистон томони ўз қароридан қайтди. Шу тариқа 400 нафардан зиёд киши, жумладан, оғир жиноятларни содир этишда айбланаётганлар ҳам шошилинч равишда Руминияга жўнатилди. Афсуски, террорчиларни ҳимоя этаётган мамлакатлар бундай ўйинлар оғир оқибатларга олиб келишини ўйлашмаяпти, улар ўз мақсадлари йўлида жиноятчи ва террорчилардан восита сифатида фойдаланишмоқчи.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот марказидан олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Руминияга олиб кетилганларнинг кўпчилиги Андижонда содир этилган террорчилик актларида бевосита иштирок этишган. Андижондаги жиноятларнинг энг ашаддий иштирокчиларидан 15 нафарини тергов қилиш давомида воқеа тафсилотлари ҳар томонлама пухта ўрганилди, 2100 тадан ортиқ экспертиза ўтказилди. Террорчилик ҳаракатлари ташқи кучлар томонидан пухта ўйланиб ташкил этилгани, Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатига, унинг миллий манфаатларига қарши қаратилгани, конституциявий тузумни ағдариб, ислом давлатини тузиш бош мақсад бўлгани тергов жараёнида тўла ўз исботини топди.

2004 йилнинг август ойидан бошлаб, ташқи кучлар «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизб-ут таҳрир» ва унинг таркибидаги «Акромийлар» деб аталган гуруҳлар каби халқаро террорчи ва диний-экстремистик ташкилотларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатини амалга ошириш орқали Конституциявий тузумни ағдармоқчи бўлишган.

Ўзбекистон Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Набиев маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун ўтказган брифингда жиноят тафсилотлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Унинг айтишича, террорчилик ҳаракатини ўтказиш ва ҳукумат идораларини қурол ёрдамида эгаллаш бўйича пухта сценарий тайёрланган, ҳаракатлар режаси аниқ белгиланган. Шунга асосан гуруҳлар ташкил этиш, уларни жанговар тайёргарликдан ўтказиш, қурол-яроғ билан таъминлаш, ҳужум қилиниши керак бўлган объектларни аниқлаш ва ўрганиш, жумладан, ҳарбий қисмлар ҳамда уларнинг қурол-яроғ омборларини эгаллаш режалари тузилган. Қирғизистон ҳудудида жанговар тайёргарлик ишлари амалга оширилган.

Терговда аниқланишича, терактга тайёргарлик ва уни ўтказишга 300 минг АҚШ доллари ажратилган. Андижон воқеаси арафасида ана шу маблағга Қирғизистонда қурол-яроғ сотиб олинган ва хуфёна тарзда, айланма йўллар билан Ўзбекистонга олиб келинган. Қуролли гуруҳларнинг ўзаро тезкор алоқасини таъминлаш учун 50 та уяли телефон, 10 та енгил автомобиль ва бошқа техник воситалар сотиб олинган. Андижонда ҳукуматни тезкорлик билан эгаллаб олишни таъминлаш учун 20 та ишғол этувчи гуруҳ тузилган, уларнинг ҳар бирида 9 нафардан 22 нафаргача одам бўлган. Гуруҳлар бошлиқларига ҳаракат дастури йўналиши пухта ўргатилган. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Қирғизистон фуқароларидан иборат махсус тайёргарликдан ўтган 60 нафардан зиёд жангари Ўзбекистон ҳудудига ўтиб, террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этишган.

Кўпчилик ўйлаши мумкин: террорчилик ҳаракати нега айнан 12 майдан 13 майга ўтар кечаси содир этилган? 13 май жума номози ўқиладиган кун бўлгани учун шаҳардаги бош масжитда камида 5 минг нафар одам тўпланишини ҳисобга олишган ва террорчилик ҳаракатларига улар қўшилишади деб умид қилишган. Бугун хорижда изғиб юрган, ўзимиздан чиққан аламзадалар «Бир туртки керак холос, бир бошланса бўлди, халқ бизни қўллайди», дея Ғарбдаги хўжайинларини ишонтиришган эди. Уларнинг хом хаёли амалга ошмади, халқ жангариларга қўшилмади. Ғарбдаги махсус кучлар, ўзини «ватанпарвар» ҳисоблаб четда қочиб юрган жиноятчилар, аламзадалар кутган воқеа рўй бермади, шум ниятлари барбод бўлди. Энди улар ҳақиқатни бекитиш, ўзларини оқлаш, жаҳон ҳамжамиятини чалғитиш учун «аҳоли тинч намойишга чиққан эди, ҳукумат кучлари уларни ўққа тутди», деган афсонани тўқиб, дунёга тарқатишди.

Бугун дастлабки тергов хулосалари шуни исботламоқдаки, террорчилик ҳаракатлари билан бир пайтда Ўзбекистонга қарши информацион урушга ҳам тайёргарлик кўрилган. Теракт ташкилотчилари имкон қадар кўпроқ одам кўчага чиқиши, биноларга ўт қўйиш, кўчадаги машиналарни ёқиб юбориш, тартибсизликлар уюштириш, яъни тўполонни бўрттириш, ваҳима кўтариш орқали «халқ оммавий намойишга чиқди», деб кўрсатмоқчи бўлишган. Бу кўринишларни террор ташкилотчилари кўнглидагидай қилиб ОАВда ёритиш учун Андижон воқеалари арафасида айрим хорижий журналистлар Қирғизистонга етиб келишган эди. Улар Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудлари — Ўш, Аравон, Қорасув, Жалолобод ҳудудларида туриб Андижон воқеаси содир бўлишини кутишган.

Республика Бош прокуратурасининг брифингда эълон қилган баёнотида кўрсатилишича, Андижондаги террорчилик ҳаракати оқибатида 187 нафар киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари оддий фуқаролар, жумладан, 2 нафари ўсмир ва биттаси аёл. Террорчилар томонидан 20 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими ва 11 нафар ҳарбий хизматчи ўлдирилган. 287 киши, жумладан, 91 нафар тинч аҳоли, 49 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва ҳарбийлардан 59 киши турли даражада жароҳат олишган. Террорчиларга қарши ҳаракат давомида 94 террорчи йўқ қилинди, 76 таси ярадор бўлган. Террорчилик ҳаракати пайтида жангарилар 70 нафар кишини гаровга олишганди, улардан 15 нафари ваҳшийларча ўлдирилган. Террорчилар босқинчилик билан қўлга киритган 334 ўқотар қуролдан 255 таси қайтарилган, жумладан, 180 та автомат, 59 та тўппонча, 11 та милтиқ, 4 та пулемёт ва 1 та граната қайтарилди. Бундан ташқари, Қирғизистон ҳудудидан олиб ўтилган қуроллардан 16 та ўқ отиш қуроли, жумладан, 7 та Калашников автомати, рақами ўчириб ташланган 2 та снайпер милтиғи, шунингдек, АҚШда ишлаб чиқарилган AR-15 русумли яримавтомат милтиқ жангарилардан олинди.

Андижондаги қамоқхонадан террорчилар чиқариб юборган 527 маҳбусдан 496 нафари қамоққа қайтарилди. Террорчиларга қўшилган маҳбуслардан 6 нафари жангариларга қарши тадбир чоғида йўқ қилинди. Қолган 25 маҳбусга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Бош прокуратура матбуот хизмати берган маълумотда қайд этилишича, террорчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган 106 нафар айбланувчига нисбатан олиб борилаётган тергов ишлари ниҳоясига етмоқда.

Юқорида айтилганидек, террорчилик ҳаракатларида фаол қатнашган 15 нафар жангари устидан суд жараёни бугун бошланиши кутилмоқда. Тергов хулосасида улар ўта оғир даражадаги қатор жиноятларни содир этишда айбланган. Булар тергов хулосалари, албатта.

Суд жараёнида далилий ашёлар, гувоҳлар ва судланувчиларнинг кўрсатмалари, жабрланувчилар даъволари очиқ кўриб чиқилади. Унда адвокатлар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва чет эл ОАВ вакиллари қатнашади. Сўнгги сўзни суд айтади.

Сафар ОСТОНОВ

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

МАҚСАД — ҚОНУНЛАР МУКАММАЛЛИГИГА ЭРИШИШ

Икки палатали профессионал парламент тизимига ўтиш учун тегишли имкониятлар ва таомиллар яратилди. Эндиликда Қонунчилик палатаси муҳокамасига тақдим этилган ҳар бир қонун лойиҳаси палатанинг тегишли қўмитасида ҳар томонлама ўрганиб чиқилади, қонунни қабул қилиш зарурати, унинг концепцияси, қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги, ушбу қонунга талабнинг мавжудлиги, уни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар ҳажми ва молиялаш манбалари аниқланади.

Қўмитанинг шу ҳақдаги қарорини кўриб чиққан Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этиш учун палата ялпи йиғилишининг кун тартибига киритилишини таклиф этади. Фақат шундан кейин қонун лойиҳаси палата ялпи йиғилишида биринчи ўқишда муҳокама қилиниб, Регламент талабларига асосли деб топилгач, қонун лойиҳаси устида ишлаш ва изланишлар олиб бориш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, маромига етказиш, иккинчи ўқишда палата ялпи йиғилишига олиб кириш учун масъул қўмитага юборилади.

Иккинчи ўқишда қонун лойиҳаси палата ялпи мажлисида қайтадан моддама-модда муҳокама қилиниб, овозга қўйилади. Мавжуд айрим камчиликларни бартараф этиш ва лойиҳани кейинги ўқишда яна бир марта кўриб чиқишга қаратилган ишлар масъул қўмита томонидан белгиланган муддатда бажарилиши билан, у учинчи ўқишда киритилади. Бу гал у тўлалигича овозга қўйилади.

Сиёсий партиялар фракциялари қонун лойиҳаларини олдиндан кўриб чиқиб, улар тўғрисидаги ўз нуқтаи назарларини масъул қўмита, Кенгаш, палата йиғилишларида билдирмоқдалар. Палата мажлислари қизғин баҳс-мунозаралар, қарама-қарши таклифлар, фикрлар тўқнашуви асосида ўтмоқда. Сиёсий партиялар фракциялари ўз нуқтаи назарларини қатъийлик билан ҳимоя қилиб, баъзи ҳолларда унинг бошқа депутатлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига эришмоқда.

Зарур талабларга жавоб бермайдиган ёки унинг ижро механизмларини яратувчи таомилларини ўз ичига олмаган айрим қонун лойиҳалари масъул қўмиталар, палата ялпи йиғилишида асосли танқидга учраб, қонун ташаббускори субъектига қайта ишлаш учун юборилмоқда. Шундан кейингина қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида юқоридаги тартибга асосан муҳокама этилиб, қабул қилиниши мумкин. Лекин бу Олий Мажлис юқори палатаси томонидан силлиқкина тасдиқланади дегани эмас. Чунки, Сенат ўз навбатида ҳар бир қонун лойиҳасини синчиклаб ўрганиб, талабга тўла жавоб бермайди, деб ҳисоблаганларини рад этади ва қуйи палатага қайтаради.

Қонунчилик палатаси ўз Регламентига мувофиқ, қонунни қайта кўриб чиқади. Айрим ҳолларда эътирозга сабаб бўлган қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат тенглик асосида келишув комиссияси тузилади. Комиссиянинг хулоса шаклидаги қарорлари унинг таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз беришлари йўли билан қабул қилинади. Келишув комиссияси қарори асосида такомиллашган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилади ва қабул қилинган тақдирда, кўриб чиқиш учун Сенатга тақдим этилади.

Сенат томонидан маъқулланган мазкур қонун республика Президентига имзоланиш учун юборилади. Президент қонунни имзолаши ёки ўз эътирозлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қайтариши мумкин .

Кўриб турганимиздек, қонун лойиҳасини тайёрлаб, уни Қонунчилик палатаси ёки Сенат муҳокамалари чиғириғидан ўтказиб, маромига етказиб қабул қилиш ўта масъулиятли ва мураккаб иш. Бу жараёнда юзага келадиган келишмовчиликлар, парламентдаги турли сиёсий кучлар манфаатларининг тўқнашуви, қонун лойиҳаларининг қонун ташаббускорига қайтарилиши ёки қайта муҳокама учун қолдирилиши эса демократик парламентчиликка хос табиий ҳолдир. Фақат шу йўл билан халқимиз манфаатларига жавоб берадиган мукаммал қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мумкин.

Фахриддин РАЖАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

56-Пайариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аслиддин Рустамов Пайариқ туман фаоллари билан учрашди. Депутат сайловчиларга қуйи палата ва ундаги ЎзХДП фракциясининг фаолияти ҳамда Хонободдаги ҳарбий база хусусида давлатимиз раҳбарияти юритаётган сиёсат тўғрисида гапириб берди.

Депутат билан учрашувлар туманнинг бир қатор қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди.

ХДП Ангрен шаҳар кенгаши қошидаги «Ёш парламентчилар» мактабида янги ўқув йили бошланди. Унга бу йил 15 нафар тингловчи қабул қилинди. Машғулотларнинг биринчи кунида бўлажак «сенатор» ва «депутат»ларга шаҳар партия кенгашининг раиси Бахтиёр Йўлдошев Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастури ва унда белгиланган вазифалар, ғоялар ҳақида сўзлаб берди.

Бекобод туман кенгаши турли жамғармаларнинг туман бўлимлари билан ҳамкорликда «Деҳқонобод» фермер хўжаликлари уюшмасида ногиронлар учун маданий тадбир ўтказди. Тадбир сўнггида 20 нафар кишига ногиронлар аравачаси топширилди.

Хоразм вилоят кенгаши «Камолот» ЁИҲ Урганч шаҳар бўлими ва шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирокида «давра суҳбати» ўтказди. Унда оилада жисмоний тарбия маданиятини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Марҳамат туман кенгаши хотин-қизлар фаоллигини ошириш мақсадида «Аёллар маънавияти» деб номланган кўрик-танлов ўтказди. Туман марказий кутубхонасида бўлиб ўтган ушбу тадбир ғолиблари ҳомийлар таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ПИШИҚ, БЕЖИРИМ ВА АРЗОН

«Ўзсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси айни пайтда уч хил янги маҳсулот — «Элегант» аёллар этиги, табиий чармдан эркаклар пойабзали ва «Фарғона» калта этиклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шуни таъкидлаш керакки, илгари хомашё Германиядан келтирилган бўлса, эндиликда маҳаллий хомашёдан фойдаланиляпти.

Бугунги кунда корхонада катта ва кичик ёшдагилар учун эликка яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Бунинг ярми янги серияга мансуб. Пишиқ, бежирим пойабзалларни Россиянинг йирик шаҳарларидаги тижорат компаниялари харид қилмоқда. Бундан ташқари Омск ва Новосибирскда «Ўзсаламан» савдо уйлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Афғонистоннинг «Камгар» фирмаси билан битим тузилиб, корхона шу йил охиригача бу давлатга уч минг жуфт оёқ кийими жўнатадиган бўлди.

— Корхонанинг буюртма портфели 2006 йил учун ҳам тўлиб бўлган, — дейди қўшма корхона муҳандиси Равшан Абдуллаев. — Мақсадимиз, ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан таъминлаш. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, чегара хизматларидан йирик буюртмалар тушган.

Суратда: қўшма корхона бош модельери (чапдан) Татьяна Патапова, корхона бош муҳандиси Равшан Абдуллаев ва «Фарғона пойабзали» очиқ акциядорлик жамияти директори Мурод Аҳмедовлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 20 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	870,66
1 Англия фунт стерлинги	2054,76
1 Дания кронаси	185,88
1 БАА дирхами	310,01
1 АҚШ доллари	1138,56
1 Миср фунти	197,75
1 Исландия кронаси	18,36
1 Канада доллари	964,31
1 Хитой юани	141,07
1 Малайзия рингити	302,09
1 Польша злотийси	356,48
1 СДР	1669,80
1 Туркия лираси	849,35
1 Швейцария франки	893,69
1 ЕВРО	1385,29
10 Жанубий Корея вони	11,08
10 Япония иенаси	102,11
1 Россия рубли	40,23
1 Украина гривнаси	225,46

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«БАНК ҲАМ МАНФААТДОР,

ДЕЙИШМОҚДА АТ «ПАХТА БАНК» ҚАШҚАДАРЁ

АТ «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармаси таркибида 16 та шаҳар ва туман филиаллари ва уларнинг 75 та минибанки ташкил қилинган. Жами филиал ва минибанкларда 15082 та мижоз, шундан вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналаридан 8364 тасига, бюджет ташкилотларидан 902 тасига, саноат корхоналаридан 240 тасига, таъминот корхоналаридан 115 тасига, савдо корхоналаридан 441 тасига, кичик бизнес субъектларидан 4139 тасига ва бошқа соҳадаги мижозлардан 881 тасига сифатли ва намунали хизмат кўрсатилаётир. Минибанкларда мижозларга банк хизматларини кўрсатишдан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан коммунал тўловлар қабул қилиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари ушбу қарор асосида коммунал тўловларни қабул қилиш учун қўшимча учта махсус касса ташкил этилди.

АТ «Пахта банк» филиаллари қошида 16 та валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш шохобчаси мавжуд.

АТ «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида 10400 нафардан ортиқ мижознинг ўз хоҳишига асосан пластик карточкалар тарқатди.

Бугунги кунда 20000 донадан ортиқ пластик карточкалар муомалага киритилди. Ушбу пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида савдо, маиший хизматлар кўрсатиш, умумий овқатланиш, АЁҚШларга ва бошқа хизматлар учун корхона, фирмаларга 125 дона терминал ўрнатилди.

2005 йил охиригача ушбу ишларни янада ривожлантириш, карточкалар сонини 30000 тага, терминаллар сонини 180 донага етказиш учун аҳоли ўртасида янада кўпроқ тушунтириш ишлари ўтказилаяпти, рекламалар бериб борилаяпти.

Ҳозиргача бошқарма ва унинг бўлимлари томонидан пластик карточкалар орқали айланмалар жами 2,1 миллион сўмни ташкил қилмоқда, йил охиригача эса ушбу кўрсаткич 6 миллион сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Бошқарманинг шаҳар ва туман филиалларида аҳоли қўлидаги нақд пулларни ҳамда корхона ва ташкилотларни ҳисоб рақамларидаги бўш пул маблағларини омонат жамғармаларига жалб қилиш бўйича бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда.

Муносабат

ТАБИАТГА, ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЖОВУЗ

ТУРСУНЗОДА ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН АЛЮМИНИЙ ЗАВОДИДАН ТАРҚАЛАЁТГАН ЗАҲАРЛИ ЧИҚИНДИЛАР ЗАРАРИ ҲАҚИДА ШИФОКОРЛАР ФИКРЛАРИ

Одамзот табиат билан ҳамкор... ундан қувват олади, ғўзалликдан завқланади. Тирик вужуд борки, бир-бирлари билан ҳам, ташқи муҳит билан ҳам ўзаро боғлиқ. Зеро, сунъийлик табиатга бегона. Ундаги ҳар бир ўзгариш иккинчи бир ўзгаришни юзага келтиради... Таассуфки, бу ҳолга инсоннинг ўзи сабабчи бўлиб, кейин уни тўғрилашга чора тополмай юради...

Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводи атмосферага заҳарли чиқиндилар чиқариб, ҳудуд экологиясининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Бу — бор гап. Қолаверса, у аҳоли турмуш тарзи ва саломатлигининг ёмонлашувига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлиги, ипакчилик ҳамда чорвачилик ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Экосан» халқаро ташкилоти 1992 йилдан бошлаб, мазкур корхона атроф-муҳитга етказаётган зарар олдини олишга имкон қадар ҳаракат қилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг август ойида Сурхондарё вилоятига навбатдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган «Экосан» саломатлик поезди жўнатилди. Тадбирга Тошкент шаҳридан малакали шифокорлар сафарбар этилди. Мухбиримиз яқинда уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Хосият ҲАМДАМОВА, «Экосан» саломатлик поезди Бош шифокори:

— Ўн кун давом этган сафар давомида 7 мингдан зиёд аҳоли тиббий кўрикдан ўтди. Шифокорлар 1480 та лаборатория таҳлили, 493 та электрокардиограмма, 5875 та илмий тадқиқот, 309 та флюрография тадбирлари ўтказишди. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, Денов, Сариосиё, Узун туманларида яшовчи аҳолининг кўпчилиги сурункали касалликлар билан оғриган, носоғлом туғилаётган гўдаклар, бепуштлик кўпайиб бораяпти. Аёлларда ҳомиласи етилмасдан (5-6 ойлигидан) «тушиб қолиш» ҳолатлари содир бўлмоқда. Ошқозон-ичак ва жигар церрози касалликлари ҳам кўпаймоқда. Суяк касаллигига чалинганлар ҳам оз эмас... Бу — ўта хавфли касаллик — суяк ғалвирсимон ҳолга келади ва емирилади... Аччиқ ва ачинарли, ҳол!

Бунга ҳудуддаги завод тарқатаётган заҳар сабабчи, албатта. Қийналаётган беморларни касалхоналарга жойлаштириб, бепул муолажа кўрсатишини ташкил этдик... Афсуски, бу ҳол, токи, завод шу ерда бор экан, давом этаверади. Унинг олдини олиш керак.

Елена КОСОВА, вилоят Темирйўл касалхонаси болалар шифокори:

— Ҳудудда истиқомат қилаётган барча болаларнинг қони заҳарланган. Тоза ва нормал кўрсаткичли қонга эга болалар озчиликни ташкил этади. Кўпчилиги камқонлик ва бўқоқ касаллигига чалинган. Қолаверса, митти қизалоқ ва болакайларни ошқозон-ичак яллиғланиши, сурункали сариқ касаллиги ҳам қийнамоқда. Ҳатто, рахитга учраганлар ҳам талайгина...

Бизнинг вилоят Темирйўл касалхонамиз уларга тез ва намунали ёрдам кўрсатиш учун барча тадбирларни кўрмоқда. 2003 йилдан бошлаб, хусусан Қумқўрғон ва Шеробод ҳудудларида тиббий ёрдамни кучайтирдик...

Мунира ТЎРАЕВА, шифокор-лаборант:

— «Экосан» саломатлик поездимиз вилоятнинг Узун, Сариосиё, Денов туманларида бўлиб қайтди. Ҳар бир тиббий ходим ўзига мурожаат этган беморларни тўла кўрикдан ўтказди. Мен қабул қилган беморлар сони 185 нафарга етди. Улар орасида тишнинг устки қаватини қора доғлар қоплаш касаллиги (кариес) кўп кузатилди. Болаларда (5 ёшдан 11 ёшгача) сут тишлари тушиб, ўрнига ҳақиқий тишлар чиқмаслиги ҳоллари ҳам учрамоқда. Ҳатто, 11-12 ёшли болаларда бирорта ҳам тиш чиқмаган ҳолатларни кўриб ажабландик. Бундай нохуш ҳолатларнинг ҳаммасига алюминий заводидан чиқаётган оғу — заҳарли тутун сабабчи бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас... Заҳар — миллат танлаб ўтирмайди. У тожикни ҳам, ўзбекни ҳам теппа-тенг заҳарлайди... Демоқчиманки, янги алюмин заводи қурилишига йўл қўймаслик — ҳар икки мамлакат учун бирдек фойдали...

Нуритдин ОТАБОЕВ, Республика санэпидемиология назорати Бош шифокори ўринбосари:

— 1975 йилдан буён теварак-атрофга заҳар сочаётган заводдаги қурилмалар ҳозир бутунлай яроқсиз ҳолда. Ўттиз йилдан буён тўхтовсиз ишлаётган катализаторлар эндиликда ишдан чиққан. Бу эса осмонга ўрлаётган заҳарли моддалар йил сайин кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозир 26 та катализатордан бор-йўғи 4 таси ишлаб турибди...

Бу ҳам етмаганидек, россиялик ишбилармонлар заводни қайта таъмирлаш ва ёнига янги алюминий заводи қуришни режалаштиришибди... Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Агар бу иш амалга ошадиган бўлса, заводдан чиқаётган заҳарли газ яна 4 баробарга ортади. Қолаверса, Турсунзода шаҳри атрофи аҳли ҳам корхона ҳудуд экологиясини ёмонлаштираётгани, одамлар саломатлигига раҳна солаётгани ва янги алюмин заводи қурилишига қарши эканликлари ҳақида очиқ айтмоқдалар...

Суҳбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭКОЛОГИК ТАНАЗЗУЛГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Атроф-муҳит хусусиятларини инобатга олмасдан хўжалик юритиш оқибатлари дунёда кўплаб экологик таназзулларнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Республикамизнинг Сурхондарё вилоятида ҳам ана шундай бўҳрон юз бериши мумкин. Чунки Тожикистондаги алюминий заводининг атмосферага чиқараётган заҳарли чиқиндилари бу ерга ҳам ўз зарарли таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу мавзуга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва хорижий журналистлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Гидрометеорология бош бошқармаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, экологик ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида Тожикистон алюминий заводининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва Россиянинг «Русский алюминий» компанияси иштирокида яна битта шундай завод қурилиши режалаштирилаётгани ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Матбуот анжуманида бу режаларнинг амалга оширилиши корхона чиқиндиларининг табиат ва одамлар соғлиғига салбий таъсирининг янада кучайишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапирилди. Бундан, айниқса, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун ва Денов туманлари аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами азият чекмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Гидрометеорология Бош бошқармаси табиат мониторинги хизмати бошлиғи Т.Ососкова атроф-муҳитнинг ифлосланиш кўлами анча катталигини таъкидлади. Ҳозир ушбу завод атмосферага ҳар йили 300-400 тоннага яқин фторли водород чиқармоқда. Бунинг натижасида ҳаво, тупроқ, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларида ушбу заҳарли модда меъёридан бир қанча, баъзан эса ўн марта кўп учрайди. Мабодо, заводнинг янги қувватлари ишга туширилади ган бўлса, экологик зарар кўлами бундан ҳам жиддий бўлиши мумкин.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, бош давлат санитария врачи Б.Ниёзматов Сурхондарё вилоятининг номлари қайд этиб ўтилган туманлари аҳолисининг саломатлиги ҳам жиддий ташвиш туғдираётганини таъкидлади. Умумий касаллик кўрсаткичлари ортмоқда, жумладан, эндокрин тизими, қон ва қон ҳосил қилиш органлари, нафас йўли органлари касалликларининг кўпайгани аниқланмоқда. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви, айниқса, болалар ва хотин-қизлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётир. Аҳоли томонидан таркибида заҳарли моддалар меъёридан ортиқ бўлган маҳсулотлар истеъмол қилинаётгани ҳам аҳволни мураккаблаштирмоқда.

Масалан, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти мутахассислари ўтказган текширувлар бу ердаги узум, шафтоли, анор ва ёнғоқ дарахти баргларида фторли бирикмалар миқдори 70-180 мг/кг.ни ташкил этишини кўрсатди. Бу эса белгиланган меъёрдан анча кўпдир. Хўжалик экинлари парваришланадиган майдонлар, чорва моллари сони камайиб бормоқда, қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказилмоқда.

Журналистларга, мутахассисларнинг ҳисобкитобига кўра, Тожикистон алюминий заводи каби йирик корхонанинг тозалаш иншоотларини модернизация қилиш учун 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб этилиши мумкинлиги ҳақида маълум қилинди. Мазкур заводнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва янги завод қурилишига «Русский алюминий» компанияси 1,5 миллиард доллар ажратишни режалаштирмоқда.

Шу муносабат билан матбуот анжумани иштирокчилари ўз чиқишларида ишлаб чиқаришни кенгайтиришда табиатни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилмас экан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қайд этди. Бу борада журналистлар ўз сўзини айтиши лозим. Оммавий ахборот воситалари, мутахассисларнинг асосли фикрлари ва статистика маълумотларига таянган ҳолда, жамоатчиликни юзага келган муаммо ҳақида кенгроқ хабардор қилиши, экологлар, олимлар, шифокорлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу муаммони ҳал қилишга оид таклифларининг очиқ муҳокамасини ташкил этиши зарур.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

Хонободдаги Ўзбекистон — Россия «Андижонкабел» қўшма корхонасида қалинлиги саккиз миллиметр бўлган мис симлар ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу маҳсулот аввалари хориждан келтириларди. Эндиликда эса корхонанинг ўзида бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган мис сим ҳажми 15 тоннадан зиёдроқни ташкил этмоқда.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Янги ишлаб чиқариш линиясини ташкил этиш учун қўшма корхонага Финландиянинг «Outokumpu» компаниясидан технология линиялари ҳамда «Upcast» русумли станоклар келтирилди. Корхона мутахассислари Финляндияда малака оширишди. Янги цехни ишга тушириш маросимида вилоят раҳбарлари, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, «Самаракабел» акциядорлик компанияси директорлар кенгаши аъзолари ва финляндиялик меҳмонлар иштирок этишди.

«Андижонкабел» қўшма корхонаси 2002 йилнинг охирида хорижий инвестор иштирокида ташкил этилган. Ҳозирги вақтда корхона сигнализация, станция, телефонлар учун симлар, шунингдек катта кучланишларга чидамли сим ва автотрактор, автомобиль симлари, алюминий сим, халқ истеъмолига мўлжалланган ҳар хил турдаги симларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

К.НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс»

ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида йўл ва кўприклар қурилиши борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, халқаро, давлат ҳамда вилоят аҳамиятидаги йўлларни кенгайтириш, уларни бир-бирлари билан туташтириш жараёнлари қизғин тус олмоқда. Бажарилган ишлар ҳажми ва келгуси режалар ҳақида «Қорақалпоқжол» қурилиш шўъба корхонаси бош мутахассиси Пиряр ИБРАИМОВдан сўрадик:

— Йўллар равон бўлса халқ хўжалиги юклари ва йўловчиларни ўз манзилларига етказиб қўйиш осон кечади. Корхонамиз ҳозир 4295 километр узунликка эга бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига хизмат кўрсатаяпти.

Биргина ўтган 2004 йилда автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш ишларига 5 миллиард 899 миллион 400 минг сўмлик маблағ сарфланди. Айниқса, Тўрткўл туман пудрат таъмирлаш корхонаси жамоаси туман ҳудудини қўшни Хоразм вилояти билан боғловчи Амударё устида қурилган темир йўл ва автомобиль транспортлари воситалари ўтувчи кўприкни А-380 типида (халқаро аҳамиятдаги йўл коди) бунёд этишда катта жонбозлик кўрсатди. Нукус — Бухоро — Ғузор йўлини туташтирувчи узунлиги 8-километр автомобиль йўл қурилишининг ўзига 1 миллиард 742 миллион 296 минг сўм маблағ сарфланди.

Мамлакатимиз шимоли-ғарбий дарвозаси, Буюк ипак йўлининг давоми — Қўнғирот — Устюрт-Бейнеу йўлининг 8-километридаги кўприк қурилишини Нукус кўприк қурилиш бошқармаси амалга оширди.

Республикамиз ҳудудида энг катта йўл қурилишларидан бири — Қўнғирот — Ақчирок — Устюрт-Бейнеу автомобиль йўлидир. Ҳозир ана шу йўналишнинг 71-315 километрлари оралиғида Қўнғирот-Бейнеу автомобиль йўли қурилиши жадал кетаяпти. Тахиатош махсус йўл кўприк қурилиш бошқармаси жамоаси олиб бораётган мазкур қурилишнинг умумий узунлиги 241,7 километр бўлиб, биринчи босқичида — 241,7 километр масофадаги йўл ишлари бажарилди. 182,4 километр узунликдаги иккинчи босқичида ҳам асосий ишлар ниҳоясига етай деб қолди.

2005 йил иш режасига кўра бизга 18 миллиард 822 миллион сўмлик маблағ ажратилган бўлиб, йилнинг ўтган ойлари давомида 3 миллиард 642 миллион 614 минг сўмлик иш бажарилди. Йил охиригача режа бўйича учинчи босқичда 54,2 километр масофага (эни 9 метр, қалинлиги 8 сантиметр) қум-шағал ва битум аралашмасидан тайёрланган қора қоплама ётқизилади ва фойдаланишга топширилади. Эришилаётган ютуқларда «Жаслик», Бўстон участкаларининг иш юритувчиларидан Пўлат Ўтениёзов, Рашид Жанабаев, Зинаддин Абдимуратов ва йўлсоз ҳамда таъмирловчилардан — Мухтор Тажибоев, Мурод Турсинбоев, ҳайдовчилардан Қудрат Ўсимбетов, эксковаторчилардан — Елиубай Мусаев, автогрейдерчилардан — Маҳмуд Алланиёзов, Худайберган Жуманиязов, Абдулла Пардабоевлар барчага ибрат бўлмоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БИЗ ҲАМ»

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ МИЖОЗЛАРИ

Рақамлар ҳикоя қилади:

АТ «Пахта банк» вилоят бошқармасининг 2005 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмаси 12 млрд. 168 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг 1 июль ҳолатига 29 млрд. 151 млн. 544 минг сўмни ташкил этди ёки 6 ой давомида вилоят бошқармасининг умумий кредит қўйилмаси 16 млрд. 98 млн. 692 минг сўмга ўсди.

2005 йилнинг ўтган ойлари давомида Осиё Тараққиёт банки кредит линияси маблағи ҳисобидан 145 млн. сўм миқдорида кредит ресурслари ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан туманлардаги фермер хўжаликларига замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиб берилди.

Юқоридагиларга қўшимча равишда АТ «Пахта банк»нинг Нишон филиали томонидан Европа Тараққиёт ва тикланиш банкининг кредит ресурси ҳисобидан 813,5 млн. сўм техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун берилди.

2005 йил пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларига йиллик 3 фоиз миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилаётир. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 2005 йил пахта ҳосили учун 17 млрд. 201 млн. сўм, ғалла ҳосили учун 905 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари ширкат ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талабини ўрганган ҳолда лизинг асосида жами 55 та субъектга 1 млрд. 657 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди.

Умуман элликка яқин фермер ва ширкат хўжаликларига, «Агромашсервис» корхоналарига юзлаб техника воситалари лизинг асосида олиб берилди. Бундан ташқари Ғузор туманидаги фермер хўжаликларига 8 дона ВТ-150 русумли ҳайдов трактори, 20 дона культиватор ва 8 дона тиркагич банкнинг ўз маблағи ҳисобидан кредитга сотиб олинди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ўрта ва қисқа муддатли кредитлар сўраб мурожаат қилаётган мижозлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Бошқарма томонидан 2005 йил 1 август ҳолатига кичик ва хусусий бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмаси **4677,8 млн. сўмни** ташкил қилади.

2005 йил 7 ойи давомида Осиё Тараққиёт банки кредит линияси маблағи ҳисобидан банк бўлимларига **565** млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва ушбу маблағлар асосан деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик техникасига бўлган талабини қондиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Янги Нишон бўлими мижози бўлган «Кўқдала» фермер хўжалигига насос ва суғориш ускуналари ўрнатиш мақсадида 7 миллион сўм кредит берилди. Ушбу кредит ҳисобидан насос ва қувурлар сотиб олиниб, суғориш ускуналари ўрнатилган. Ҳозирги кунда кредитнинг 3532 минг сўми қайтарилган.

Банкнинг Янги Миришкор бўлими мижози «Турдиали бобо» фермер хўжалиги Т-4 русумли қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун 2003 йилда 2 йил муддатга олган 12 миллион сўм кредит маблағидан унумли фойдаланди. 25000 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарди ва 12030 минг сўм миқдорида соф фойда олди. Фермер хўжалигининг 130 гектар ери бўлиб, 27 гектарга пахта ва 103 гектарига ғалла экилган. Ҳозирги кунда банк кредитидан 11727 минг сўми қайтарилган.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар ҳамда моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, тараққиёт омили ҳисобланган фермерликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга молик. Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама ижобий ҳал этилиши банк тизимининг аниқ маромда ишлашига боғлиқ эканлигини бошқарма ходимлари яхши биладилар. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқлаган истиқбол режаси (параметр) жойларга етказилиб, тадбиркорларга кредит беришда ишлаб чиқаришни кучайтиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб берилди ва истиқболли режа ошиғи билан бажарилишига эришилди.

Мухтасар айтганда, АТ «Пахта банк» Қашқадарё филиали жамоаси фаолиятидан қониқиш ҳосил қилаётган субъектлар бугун мамнуният билан: «Банк ҳам манфаатдор, биз ҳам...» демоқдалар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЯНГИ ОРЛЕАН ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИ

Американи Янги Орлеансиз тасаввур қилиб бўлмайди ва бу ажойиб шаҳар, албатта, қайта барпо этилади. АҚШ президенти «Катрина» тўфони оқибатларини бартараф этиш учун халққа қилган мурожаатида айнан шуни таъкидлади. Мурожаат давомида Буш биринчи навбатда ҳудуддаги нотенглик ва қашшоқликка олиб келган ирқий камситишни йўқ қилиш зарурлигини билдириб, октябрь ойининг ўрталаригача энг ночор оилалар уй-жой билан таъминланишини ҳам айтиб ўтди.

«Катрина» тўфони АҚШ тарихидаги энг катта табиий офатларнинг еттинчиси ҳисобланади. Маълумотларга кўра, шу пайтгача тўфон 792 одамнинг умрига зомин бўлган.

Америка сенати тўфондан талофот кўрган ҳудудларда тиклаш ишларини олиб бориш учун 3,5 миллиард доллар ажратди. Бу 3 йил давомида Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларга кетган пулдан анча кўпдир. Бошпанасиз қолган 350 минг оила ярим йил давомида ойига 600 доллардан ёрдам пули олиб туради.

Табиий офат Америка ҳукуматини гангитиб қўйди. Шу пайтгача Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар чоғида Америка аскарлари жон берган бўлса, тақдир чархпалаги энди тинч аҳоли томонга қараб юмалаб кетгандек. Вашингтон ҳарбий ҳаракатларни бошлашдан олдин америкаликларни террордан асраш учун Ироқда демократия ўрнатишни мақсад қилиб қўйганини баён этганди. Энди эса зарур пайтда Америка ҳукумати ўз халқи дардига малҳам бўлолмагани одамлар орасида норозилик кайфиятини уйғотмоқда. Ўзини дунёнинг етакчи давлати эканлигини намойиш қилишдан чарчамаган Американинг айрим ҳудудлари ҳимоясиз бўлиб қолишига олиб келган урушни америкаликлар энди қўллаб-қувватламоқчи эмас. Бироқ Жорж Буш ўз сиёсатининг оқилона эканлигини тасдиқлаш мақсадида Ироққа қўшин киритишни тўхтатгани йўқ.

Дунёнинг барча оммавий ахборот воситалари Янги Орлеандан олинган тасвирларни кўрсатиб, ҳақиқий аҳволни баён этгандек бўлди. Тасвирларда тўфондан омон қолган камбағал қоратанлиларнинг додфарёди, сузиб юрган жасадлар, сув остида қолган шаҳар манзаралари акс этган.

Ушбу ҳудудда қутқарув ишларини олиб бораётган полиция ходимларининг баъзилари бундай манзаралардан кейин руҳий зўриқишган. 1200 нафар полициячининг 500 нафари хизматдан озод этилиб,

дам олишга жўнатилди. Янги Орлеан кўчаларида кўринган жойни талон-торож қилишга тайёр шахслар ва полиция кучлари орасида отишмалар ҳам содир бўлган.

— Бир неча жойда полиция кучлари фуқаролар томонидан ўққа тутилгани қайд этилди, — деди Янги Орлеан шаҳри полиция бошқармаси бошлиғи Эдди Компасс. Шунингдек, у икки нафар полиция ходими ўз жонига қасд қилганини ҳам тасдиқлади.

Тасвирларни кўрган одамда «Уч ҳафта ичида Ироқни назоратга олган АҚШ ҳукуматига Янги Орлеангача етиб бориши учун ноҳотки беш кун керак бўлса?», «Нега Ироқнинг 25 миллионлик аҳолисига «ёрдам» кўрсатиш учун ҳозиру-нозир бўлган АҚШ раҳбарияти, ўзининг йирик шаҳридаги стадионга жон талвасасида кириб олган 25 минг фуқаро дардига дармон бўла олмади?», каби саволлар туғилиши табиий. Саволлар кўп. Бундан кейин улар янада кўпаяди. Аммо уларга очиқ ва аниқ жавоб берадиган одам топилармикан? Топилгандек ҳам бўлди. АҚШ президенти Жорж Буш ҳукуматнинг тўфон оқибатларини бартараф этишда йўл қўйган камчиликлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олди.

— Даҳшатли 11 сентябрь воқеаларидан 4 йил ўтгач, америкаликлар фавқулодда вазият рўй берганда биз амалга оширган ишлардан самаралироқ ҳаракатларни кутишганди. Федерал ҳукумат шундай вазиятда ўз бурчини адо этишга қодир эмас экан, бунинг учун мен жавобгарман...— деди президент.

Американинг ҳарбий муҳандислар корпусининг собиқ раҳбари Майк Паркер офатнинг бунчалик катта миқёсда қулоч ёйишида ҳукуматнинг айби борлигини таъкидлади. Унинг фикрича, агарда Жорж Буш бошчилигидаги маъмурият Янги Орлеаннинг тўғон ва насос станцияларини модернизация қилиш тизими учун ажратиладиган маблағни қисқартирмаганида, шаҳарни сув босмаган ва кўпгина одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинган бўларди.

Англиянинг «Гардиан» газетаси бу тўғонга сарфланиши керак бўлган маблағ Ироқдаги кампания эҳтиёжларига сарфлангани ҳақида хабар берди. АҚШ ҳукумати офатни Ироқдаги кампаниясига зарар етказмасдан барқарорлаштирмоқчи бўлди. Бироқ талофот



кўрган штатларга етиб келган ёрдамчи кучлар сони ёрдамга муҳтож аҳоли сонига қарганда анча кам эди. Ўша пайтда элликка яқин давлат ва бир неча халқаро ташкилотлар Америка халқига ёрдам кўрсатишга тайёр эканини билдирди. Греция бошпанасиз қолган шахсларни вақтинча жойлаштириб туриш учун узоқ муддатли саёҳатларга мўлжалланган кемаларни, Швеция озиқ-овқат ва кийим кечакларни етазиб берадиган самолёт, Сальвадор эса қўшин жўнатишга шай эканини маълум қилди. Россия ва Швейцария Америкага электрогенераторларни етказиб берди.

Табиат ҳам америкаликлар иродасини синаётгандек. АҚШнинг жануби-шарқига «Янги Офелия» деб ном олган тўфон бостириб келди. «Офелия» тўфони сабабли Шимолий Каролина ва Виржиния штатларида фавқулодда вазият эълон қилиниб, барча қутқарув хизматлари шай ҳолатга келтириб қўйилди. Бу ерда тўхтовсиз ёғаётган ёмғир ва кучли шамол туфайли 123 минг аҳоли электр қувватисиз қолди.

Америка раҳбарияти турли айбловларни эшитиб, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларини иложи борича самарали ўтказиш борасида бош қотираётган бир пайтда, Си-Эн-Эн хизмати америкаликларнинг тўфон борасидаги фикрини билиш мақсадида сўров ўтказди. Унга кўра, афроамерикаликларнинг ҳар ўнтадан олтитаси Янги Орлеан аҳолисининг аксарияти қоратанлилар бўлгани учун ҳукумат ёрдамга шошилмаганлигини билдирган. Оқтанлиларнинг ўнтадан саккизтаси бу фикрни қўллаб-қувватламоқда. Пью институти ўтказган сўровнома эса 71 фоиз қоратанли аҳоли мамлакатнинг бош муаммоси ирқий нотенглик деб ҳисоблашларини кўрсатди. Президент Буш бундай айбловларга «тўфон ирқий камситиш нималигини билмайди...», деб жавоб қайтарди.

Энг ҳайратланарлиси, Америкадек юқори маданиятли мамлакатда бировнинг бошига тушган мусибатдан ҳам фойда кўришни истайдиган шахслар тобора кўпайиб бораётганидир. Бу ерда гап интернетда қалбаки сайтларни очиб «тўфондан зарар кўрганлар учун» маблағ йиғишни бошлаб юборган фирибгарлар ҳақида кетмоқда. Улар «кимга аза, кимга маза» қабилида иш тутишмоқда. Эсингизда бўлса, бундай шахслар ўтган йилнинг охирида жануби-шарқий Осиёда рўй берган табиий офатдан кейин пайдо бўлиб, анча жонланиб қолишган эди. Энди фирибгарлар Америка хавфсизлик кучларига қўшимча бошоғриқ бўлди.

Хуршид РАУПОВ

Баркамол авлод орзуси

ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани истеъдодларнинг камолот чўққисига чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, меҳр ва эътибор бўлмаса, ўсиш-улғайиш, камолот бўлмайди.

В.Успенский номидаги махсус академик лицей ҳам ўзининг 65 йиллик тарихи давомида минглаб истеъдодли болаларни эзгулик оламига олиб кирди. Айниқса, мустақиллик йилларидаги санъатга бўлган эътибор туфайли лицей қалдирғочлари учун янада кенг йўл очилди. Сўнгги ўн тўрт йилда юздан ортиқ нуфузли халқаро танловларда лицей ўқувчилари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Булардан Анна Цукерванник шу йил Францияда, Нурон Муқимий 2003 йил АҚШда, Беҳзод Абдураимов 2003 йил Италияда, Тамилла Салимжонова 2002 йил Италияда, Динара Шоҳиддинова 2001 йил Францияда, Нодир Ҳошимов 2001 йил Чехияда бўлиб ўтган нуфузли халқаро танловларда биринчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Ўттизга яқин ўқувчилар дунё мусиқашунослари назарига тушиб, хорижнинг машҳур олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Жумладан, Германияда 10, АҚШда 6, Англияда 2 нафар, шунингдек Франция, Жанубий Корея ва Уэлсдаги олий мусиқа билим юртларида маҳоратларини оширмоқда.

Илм даргоҳига 2002 йилда «махсус академик лицей» мақоми берилди. Бугунги кунда лицейда республикамизнинг турли вилоятларидан 630 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

— Бу болаларнинг ҳар бирини жажжи истеъдодлар деса бўлади, — дейди лицей директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Комил Зоиров. — Ўқувчилар 7 ёшдан қабул қилинади ва 12 йил давомида мусиқа сирларини ўрганишади. Уларга профессор Тамара Попович, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Марк Зайко, Жумабой Собуров, Ислом Ғаниев ва Алла Ким каби фидойи ўқитувчилар таълим беришади.

Анвар САМАДОВ

Суратларда: В.Успенский номидаги махсус академик лицей фаолиятидан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Биз билган ва билмаган тарих

БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Мана бу мисол Бобурнинг дипломатик маҳоратини ўзида мужассамлаштирган. Бунда Бобурнинг рақибларига бўлган муносабати, қолаверса, қаттиққўллиги, ҳатто ашаддий душманини ҳам ўзига қаратиш сиёсатини англашимиз мумкин. Эътибор берайлик, анча муддат ўзига қарши кураш олиб борган бу шахсга нисбатан Бобур ўта салбий фикрда бўлса ҳам *(«Бу,* (яъни, Ҳасанхон – Ҳ.Қ.) *ҳақношунос кофирваш, мулҳид бизнинг лутф ва иноятимизни кўзга илмай, тарбият ва риоятимизни шукрин қилмай, барча фитналарга ул муҳрик ва жамъи ёмонликларга ул боис эди»)* Ҳасанхонга яна катта мурувватлар қилади, инъомлар бериб, катта ер билан сийлайди. Бу ҳам Бобур дипломатиясининг нозик жиҳатларини ўзида акс эттирган.

Ушбу ўринда келтирмоқчи бўлган мисолимиз эса Бобурнинг бегона юртда ҳукмрон бўлгани, душманлари у ёқда турсин, энг яқин беклари ҳам Ҳиндистоннинг мураккаб иқлимига чидай олмай уни ташлаб кетган бир пайтдаги ҳолат билан боғлиқ. Бобур шундай қийин вазиятда ҳинд рожалари, лашкарбошиларига имкон қадар эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган, уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қилган. Тарихий далиллардан маълумки, бу дипломатик муносабатлар юксак давлатчилик орзуси билан ҳамоҳанг тарзда Бобурга Ҳиндистонда ҳукмронлик қилишга имкон берган: *«Ҳасанхоннинг Карамчанд отлиқ мўътабар кишиси ўғли Аграда эканда ҳам келиб эди, ўғлининг қошидин Алвардин келиб, амон тилади. Абдураҳим шиғовулни анга қўшуб, истимолат фармонлари била йиборилди. Бориб, Ҳасанхоннинг ўғли Ноҳирхонни олиб келди. Яна иноят мақомида бўлуб, бир неча лаклик паргана важҳиға берилди».*

Шундай қилиб, Заҳириддин Бобурнинг дипломатик фаолиятида ташқи томон билан муносабатларни яхшилаш, айниқса муҳораба олиб борилган ўлкалари тақдирини ҳал этишда иккинчи томон вакилларини моддий рағбатлантириш, мол-мулк тақсимлаш, вақтида кўзга кўринган давлат бошлиқлари, бекларга туҳфалар бериш ҳам дипломатик муносабатларни йўлга қўйишга хизмат қилганлигини билдиради.

«Бобурнома» саҳифаларини варақлар эканмиз, Бобурнинг юксак дипломатик маҳоратини белгилаб берадиган кўплаб жиҳатларга дуч келамиз. Бир қараганда бу манбалар катта маънода дипломатияга таалluқли бўлмаса-да, кўп жиҳатдан бобурийлар салтанатидаги муносабатларнинг ёрқин қирраларини ўзида мужассамлаштирганлиги аниқ.

Масалан, Бобурнинг Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг суюкли, унинг тўла ишончига кирган хотини Хадичабегим ҳақида билдирган фикрини олиб кўрайлик. Тарихдан маълумки, Хадичабегим Султон Ҳусайннинг давлат бошқарувига катта таъсир ўтказган, ўта тадбиркор, сарой муносабатларини яхши англай билган аёл эди. У фақатгина Султон Ҳусайн Бойқаро олдида эмас, темурий шаҳзодалар орасида ҳам юксак эътибор ва даражага соҳиб бўлган.

Агарчи Бобур бу аёл ҳақида ижобий фикрда бўлмаса ҳам *(«Яна Хадичабегим эди, Султон Абусаъид мирзонинг ғунчачиси эди, мирзодин бир қизи бор эди, Оқбегим отлиқ, Ироқта Султон Абусаъид мирзонинг шикастидин сўнг Ҳирига келди. Ҳирида Султон Ҳусайн мирзо олди ва севди, ғунчачилиқ мартабасидин бегимлик мартабасиға тараққий қилди.* ***Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди.*** *Муҳаммад Мўмин мирзони анинг саъйи била ўлтурдилар.* ***Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлари ёғийқтилар, кўпраки мунинг жиҳатидин эди, ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пурғўй хотун эди, рофизия ҳам экандур»)*** Ҳиротда эканлигида сарой удуми ва тартибларига биноан у билан ҳисоблашиш шартлигини билдирган.

Ҳиротда темурийзодаларнинг муҳим йиғинида иштирок этган Бобур мажлис аҳлининг энг мўътабарларини санаб ўтиб, «Хадичабегим ҳам анда бор эди», «Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин...» деган ибораларни ишлатган. Бунда Бобур зимдан, Ҳусайн Бойқаро салтанатининг Ҳиротда Шайбонийхон томонидан яксон этилишини, энг аввало, ана шу аёлнинг салтанат ишига аралашуви оқибатида деб билмоқда.

Мазкур матнда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам Бобур дипломатиясининг нозиклигини ўзида мужассамлаштирган. Бобур «Боқи Жаҳонорода Бадиуззамон мирзоға кўрунуш қилур эдим», дейди. У «Бадиуззамон мирзо ҳузурига борар эдим» деяётгани йўқ. Назаримизда, Бобур Бадиуззамонни Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин ночор ҳолатда қолган Хуросон мулкининг султони, айни пайтда мезбон сифатида билиб, Ҳиротдан Кобулга кетиб қолмаганлигини билдириш учун кўриниш берган, холос. Ушбу парчада Бобурнинг давлатчилик илмидан хабардорлигини билдирувчи оҳангни англаймиз.

Бундан ташқари, юқорида биз Бобурнинг Бадиуззамон мирзо билан учрашгани, Бадиуззамон Бобурдан унга таъзим этишини истаганда Бобур «агар ёшим кичиктур, аммо тўрим улуғдур», деб темурийзода сифатида Бадиуззамондан ҳеч кам эмаслигини кўрсатган. Бу ерда ҳам ана шу дипломатик мезон боис Бобур Бадиуззамонга фақатгина «кўруниш» берган, холос. Қуйидаги жумланинг оҳангида ана шу тенгликнинг тўла маъноси ўз аксини топган: *«Ҳар иккиуч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиуззамон мирзоға кўрунуш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади, Музаффар мирзо Боқи сафидда ўлтурур эди.* ***Хадичабегим ҳам анда эди, Жаҳонгир мирзо мен била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин*** *Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатға олиб борди...»*

(Давоми бор.)

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Спорт

ЎЗБЕК АВТОПОЙГАЧИЛАРИ

«НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛЛАРИДА МУСОБАҚА МАЙДОНИГА ЧИҚИШАДИ

Мамлакатимизда автомобиль спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили авторалли, автопойга, картинг ва автокўпкураш бўйича республика, вилоят ва шаҳар биринчиликларини ўтказиш анъанага айланиб бораётир. Республика Автомобиль Миллий федерациясининг соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан амалий ҳамкорлиги айниқса ўз самарасини бермоқда. Яқинда юртимизда техник ва амалий спорт турларини юксалтириш йўлида яна бир хайрли ишга қўл урилди.

— Бугун Ватанимиз спортчилари кўп спорт турлари бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатларида катта ютуқларни қўлга киритишмоқда, — дейди Ўзбекистон Автомобиль Миллий федерацияси президенти Юсуф Асилов. — Менимча, мамлакатимиз автоспортчилари ҳам бу соҳада ўзларини кўрсатадиган фурсат келди. Тан олиш керак, кейинги пайтда, спортчиларимизнинг мусобақаларда муносиб иштирок этишлари учун техника тақчиллиги мавжуд эди. Мустақиллик шарофати билан бугун бу муаммога барҳам берила бошланди. Энди ҳар қанча қувонсак арзийди, бундан кейин ўзбек автопойгачилари мусобақаларда Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексия-DOHC» махсус спорт автомобилларида қатнашадилар.

Бу спорт автомобиллари қулайлиги ва замонавийлиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Куни кеча пойтахтимиздаги «Роҳат» автосалонида уюштирилган янги «Нексия-DOHC» спорт автомобиллари тақдимоти маросимида ҳам бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Тадбирда Асакада ишлаб чиқарилган дастлабки ўнта спорт автомашинаси калитлари ўз эгаларига топширилди. Уларни Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ҳамда Бухоро вилоятлари «Ватанпарвар» ташкилотлари автоспортчилари қабул қилиб олишди. Автопойгачилар янги спорт автомобилларини илк маротаба октябрь ойида уюштириладиган Ўзбекистон чемпионати баҳсларида синовдан ўтказадилар.

— Мамлакат кубоги ва чемпионати мусобақаларида бир неча маротаба ғолиб бўлганман, — дейди спорт устаси, жиззахлик Асқар Ҳасанов. — Шу пайтгача «Жигули», «Багги» сингари автомобилларни бошқардим. Кейинги йилларда улар ўз муддатини ўтаб, яроқсиз бўлиб қолди. Бугун мусобақаларда ўзимизнинг «Нексия»мизда қатнашишдек бахт насиб этаётганлигидан бахтиёрман. Келажакда шеригим Зоир Одилов билан биргаликда нафақат мамлакат миқёсида, балки халқаро мусобақаларда ҳам қатнашишга ҳаракат қиламиз.

Эркин ХОЛБОБО

✧✧✧

Суратда: *тақдимот маросимидан лавҳа.*

ПОЙТАХТЛИКЛАР — ҒОЛИБ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Қ.ҚАРШИЕВ). «ЖАР» спортсоғломлаштириш мажмуида 11-16 ёшли ўсмирлар, шунингдек, эркак ва хотин-қизлар ўртасида таэквондо (ITF) бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида 400 нафар спортчи ўз маҳоратини намойиш этди. Қизиқарли курашларга бой бўлган беллашувларда умумжамоа ҳисобида пойтахтлик спортчилар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Иккинчи ўринга наманганлик спортчилар лойиқ деб топилди. Самарқандлик таэквондочиларга эса учинчи ўрин насиб этди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 854
6460 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Диққат, танлов!

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ» ЛОЙИҲАСИ РЕСПУБЛИКА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДА «ЭНГ ЯХШИ РАСМ ВА УНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЗОҲИ УЧУН»
ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловнинг асосий мақсади

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб БМТ Тараққиёт Дастури «Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда ва лойиҳанинг миллий ижрочи ҳамкори Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади. Лойиҳадан кутилаётган асосий натижа Ўзбекистонда чиқиндилар муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ ишлар мувофиқлиги ва стратегик йўналишни аниқлаш учун асос бўлувчи «Миллий стратегия» ҳамда «Ҳаракат Режаси» ҳужжатлари бўлади. Стратегия чиқиндиларни етарли даражада қайта ишлаш, камайтириш, йиғиш, кўмиш ва бошқариш ишларини йўлга қўйишда саноат ва бошқа тармоқ вакиллари, ҳокимият, корхоналар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва кенг жамоатчиликнинг масъулиятини оширишга қаратилган.

Чиқиндиларни бошқариш масалалари бўйича аҳолининг кўникмаларини янада ошириш мақсадида лойиҳа бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шулардан бири мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Энг яхши расм ва унга энг яхши изоҳ учун» танловини ташкил қилишдир.

Танловда қатнашиш этиш учун тақдим этиладиган ишлар

Тақдим этилган расмларда чиқиндиларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳитга зарарли таъсири, уларнинг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, маиший, саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, кўмиш, бошқариш ҳамда оила, маҳалла, мактаб, корхона ва муассасаларда қилинаётган ишлар ва бу борада олиб борилаётган бошқа ҳаракатлар тасвирланган бўлиши лозим.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган ҳар бир мактаб ўқувчиси юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда А4, А3, А2 ҳажмдаги қоғозга қалам, фломастер ёки акварель бўёқларидан фойдаланган ҳолда 3 тагача расм юборишлари мумкин. Иштирокчилардан чизган расмлари билан бирга ўзи (Ф.И.О., синфи, ёши) ва уй манзили ҳақида тўлиқ маълумот юбориш ҳам талаб қилинади. Танлов 2005 йилнинг 15 ноябрига қадар давом этади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танловга тақдим этилган расмлар маҳорат, санъат, ижодкорлик ва болаларга хос тасаввурга эгалик хусусиятлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Ғолиб бўлган ҳар бир иштирокчи БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш» лойиҳаси томонидан қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланади. Танловда қатнашмоқчи бўлган мактаб ўқувчилари чизган расмларини қуйидаги манзилга юбориши ҳамда танлов билан боғлиқ бошқа маълумотларни ушбу манзилдан олишлари мумкин:

Тошкент 700043, Халқлар дўстлиги кўчаси, 7-уй, БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш» лойиҳаси. Лойиҳа менежери Равшан Маматқулов
Тел: 173-86-62, 168-80-56 Факс: (99871) 173-86-62
E-mail: ravshan.mamatqulov@uzsci.net

Шошилинг, имкониятни қўлдан бой берманг!

«AYSEL INVEST» ҚК ОАЖ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДАГИ ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 09
Умумий мажлис тури — навбатдан ташқари.
Умумий мажлис ўтказиш шакли — очиқ.
Умумий мажлис ўтказиш санаси — 2005 йил 19 сентябрь.
Умумий мажлис ўтказиш жойи — Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 3-уй.
Умумий мажлис кворуми — 100 %

Овозга қўйилган масалалар:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги меҳмонхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш Дирекциясининг мурожаатини кўриб чиқиш.

2. «Aysel Invest» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти Низоми ва Таъсис шартномасига ўзгартириш киритиш.

Овоз бериш натижалари ва қабул қилинган қарорлар:

Биринчи масала бўйича: *Тошкент шаҳар ҳокимлиги инвестициялар бош бошқармаси қошидаги меҳмонхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш Дирекцияси мурожаатини кўриб чиқиш.*

Ёқлаганлар — 100 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.

Акцияларнинг бир қисмини беришга ва акциядорлар ўртасидаги улуш миқдорининг ўзгартирилиши учун киритилган таклифга рози бўлиш.

Акцияларнинг бир қисмини бериш ҳақидаги келишувнинг лойиҳасини тасдиқлаш.

Иккинчи масала бўйича: *«Aysel Invest» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти Низоми ва Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш.*

Ёқлаганлар — 100 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.

«Aysel Invest» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти Низоми ва Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилсин.

Жамиятдаги афилланган шахслар ҳақида ахборот

№ ТР	Афилланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми	Асос	Сана	Овоз берадиган акциялар сони
1	Гювен Сазак	Кузатув кенгаши раиси	10/06/05	йўқ
2	Каримов А.Р	Кузатув кенгаши аъзоси	10/06/05	йўқ
3	Ибрагимов О.У	Кузатув кенгаши аъзоси	10/06/05	йўқ
4	Огуз Испир	Кузатув кенгаши аъзоси	10/06/05	йўқ
5	Гюльсун Жандан Ак	Кузатув кенгаши аъзоси	10/06/05	йўқ
6	Хюсейин Халук Байам	«Aysel Invest» қўшма корхонаси ОАЖ бош директори	10/06/05	йўқ

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кафолатли хизмат кўрсатиш муддати камида уч йилга тенг бўлган дастурий таъминот ва бетўхтов электр таъминоти манбалари билан биргаликда персонал компьютерлар ва лазерли принтерлар етказиб бериш бўйича 2005 йил августида ўтказилган тендерда «Advantek International, Inc.» компанияси ғолиб, деб топилганлигини маълум қилади.

Тендер ишчи гуруҳи

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Марказий идораси Департамент директори Т.Туляганова падари бузруквори **Ҳабибулла Абдуллаевич ТУЛЯГАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.